

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1997 йил, 28 ноябрь, жума.
Сотувда эркин нархда. № 241 (1758)

МИЛЛАТЛАРМИ
СОАТ
ПАЙШАНБА
ХАВАРЛАРИ

Обуна-98

КИНОЯ

СИРДАРЁ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАН УЗОҚ ЭКАН...

Йўғ-е, дея ажабланманг. Рост. Кеча газетамизнинг 1998 йил учун давом этаётган обунаси сўнги маълумотларини кўздан кечираётиб, шундай хулосага келидик. Чунки...

Энди билмадик, келаси йили сирдарёлик ўқувчиларимиз мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётидаги энг сўнги янгилик ва ўзгаришларни минг-минг қақирим олисда янаётган Оролбўйи ахлдан кейин билишди, шекилди. Навоий вилоятида ҳам обуна мавсумига эътибор жуда суств. Жиззах ва Бухорода-да обуначиларимизни бармоқ билан санаса бўлади.

БОРДИ-КЕЛДИ

ЁПОНЧА ЭМАС, ЎЗБЕКЧА ГАПИРАДИ

— Навоий вилоятида телекоммуникация ва электр алоқа тизими бутунлай ўзгаради, — дея хабар бериб жамоатчи мухбиримиз Парда Жумаев. — Олдиндан тузилган келишувга кўра, Япониянинг «НЭС-Япон-электркомани»си мутахассислари вилоят алоқа тармоқлари иши билан танишиб кетгач, 2000 йилгача вилоятнинг уч шахри ва етти туманининг ҳар қайсисидан ўн минг номерли янги алоқа станцияларини ишга тушириб беришмоқчи. Яқиндагина айни шу соҳа вакиллари билан бир гуруҳи Кунчиқар мамлакатга бориб тажриба ўрганиб қайтишди.

ЎЗБЕКЧИЛИК

ТҮЙГА БОРИБ «ОТАМ»НИ ТОПДИМ

«Ўзим Фарғонада яшайман. Фермерман, — дея хат ёзди Ўзбекистон туманидан Имомали Назаров. — Лекин уч йилки, кўнглим жуда хижоли эди. Нега десангиз, отам раҳматлик қаза қилган кунни олис Шаҳрисабдан фронтдош ва қисматдош бир дўсти бориб... уч кун йўлга бўладими? Ўзим юраги тўлиб кетган экан. Охири иззат-икром ила уйига кузатдик. Афсуски, ўртада узлиб кетдик. Ҳатларимиз жавобсиз қолаверди. Утган шанба кунни халқ айтимларини тўғлаб юрадиган Шаҳрисаб туманидаги Оммагон қишлоғилик машҳур Тошмуқом момонинг 90 йиллик тўйига бориб... отамнинг дўсти, 82 ёшли Исмаилов Боқиевни яна излаб топдим. Қувончим ичмага сизга-ди. Тўйга бориб отамни кўргандай бўлиб қайтдим».

ҚОЙИЛ!

ТОПҚИРЛАР АКАДЕМИЯСИ

Ўзининг тарихий обидалари, тadbиркорлар ва ишбилармонлари билан машҳур бўлган Қўқонда «Топқирлар академияси» фаолият кўрсата бошлади, — дея хабар бериб ўз мухбиримиз.

Бундай жамоа уюшмасининг Қўқонда Латифда ташкил этилганлиги бежиз эмас. Чунки «Нима, қаерда, қачон?» деб номланган машҳур телевикторинанинг тармоғи ҳам шу шаҳарда ташкил этилган эди.

Расмий рўйхатдан ўтган уюшма нафақат Қўқонда, балки Фарғона vodiysi, қолаверса, бутун Ўзбекистондаги олий ва ўрта махсус ўқув юрталари талабаларини жаҳият атрофида уюштиришни ният қилган.

...ДАН ГАПИРАМИЗ!

«АМЕРИКА ОВОЗИ»

БМТга қарашли жаҳон озиқ-овқат программаси раҳбарияти яна бир бор толибларга мурожаат қилиб, Марказий Африкстонга озиқ-овқат етказиб беришда тўққонлик қилмасликка чақирди. Бунинг натижасида 1 миллион киши зарар кўриб, минглаб одамлар очликда яшашга мажбур бўлмақдалар.

Жаҳон озиқ-овқат программасининг ижрочи директори К. Братини хоним толиблар раҳнамоси Мулла Муҳаммад Умарга мактуб юбориб, «Марказий Африкстон вилояти Башиён аҳолисига озиқ-овқат етказиб беришда тўққонлик қилиш инсонпарварлик юзларига мутлақо зиддир», — деди. К. Братини хоним бундан аввал ҳам шундай маъзунда мурожаат қилган эди, лекин ҳеч қандай натижа чиқмади.

Соат миллиларини Норқобил ЖАЛИЛ кузатди.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

27 ноябрь кун Ислам Каримов Президентини Ислам Каримовга Покистон Ислам Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулода ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Шаҳриёр Раҳед ишонч ёрлигини топширди.

— Покистон халқи билан Ўзбекистон халқининг тарихи, дини ва маданиятида муштарак томонлар кўп, — деди Ислам Каримов. — Ота-боболаримиз бизларга қолдирган мерос икки халқ учун ҳам бирдек ардоқлидир. Покистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар истиқболни белгилашда ана шу омил ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Шаҳриёр Раҳед қабул учун миннатдорлик билдирар экан, Покистон давлати Ўзбекистонни ўзига яқин дўст деб билиши ва мамлакатимиз билан ўзаро муносабатлари янада мустақамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади. Ўзининг элчилик фаолияти даврида мазкур алоқаларни янада мустақамлаш ва кенгайтириш учун бор куч-гайрат ва билимини амалга оширишига айтиди.

Шу кун Ислам Каримов Янги Зеландиянинг Ўзбекистондаги Фавқулода ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Жон Питер Ларкиндейл ҳам ишонч ёрлигини қабул қилди.

— Ўзбекистонликлар Янги Зеландия тарихи билан яхши таниш ва халқини катта ҳурмат билан қарайди, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Биз Янги Зеландияни демократик ҳуқуқий давлат деб биламиз. Мамлакатинингизнинг Тинч океани ҳавасини ядросиз зона деб эълон қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Жон Питер Ларкиндейл мамлакатларимиз ўртасида ўрнатилган дипломатия муносабатлари ўзаро ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш учун замин яратажани қайд этди. Директорлик элчилик вазифаси ўз зиммасига тушганидан мамнуният изҳор қилди.

Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов шу кун Филиппин Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулода ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Жейм Салседо Баутистадан ҳам ишонч ёрлигини қабул қилди.

Ислам Каримов ёрлиқни қабул қилар экан, Филиппин халқининг мустақиллик йўлида олиб борган курашини биз яхши биламиз, деди. Ўзбекистон халқи ва раҳбарияти Филиппинда амалга оширилаётган ислохотларни эътибор билан кузатиб бораётир. Давлатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларни кенг йўлга қўйиш халқларимиз манфаатига хизмат қилишига ишонч билдирди.

Жейм Салседо Баутиста қабул учун ташаккур айтиб, Ўзбекистон мустақиллик юзларини мустақамлаш йўлида катта ютуқларга эришяётганини қайд этди. Бу шубҳасиз, мамлакатинингизнинг нафақат мазкур минтақада балки халқаро майдонда ҳам обрўсини оширмоқда, деб таъкидлади у.

Президент Ислам Каримов масъулиятини ва шарафли вазифани бажаришда элчиларга муваффақият тиллади.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларида ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАГИМИЗ

Қаршида «Маънавий баркамол, соғлом шахс — давлатимиз таянчи» мавзусида семинар-кенгаш бўлди.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси ва «Қамолот» ёшлар жамғармаси ташкил этган бу анжуманда вилоят жамоат ташкилотлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарлари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Семинарни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Каримов бошқарди.

Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Гуломова, «Қамолот» ёшлар жамғармаси бошқарувининг раиси Х. Абдураимов, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси бошқаруви раиси Г. Йўлдошева ва бошқалар анжуманда сўзга чиқиб, мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш, уларнинг пухта билим олиши ва меҳнат қилиши учун барча зарур шароит яратилаётгани ҳақида гапирди.

Семинар қатнашчилари аёллар ва ҳуқуқ, ёшлар тарбияси, соғлом авлодни, баркамол йигит-қизларни вояга етказишда оила, мактаб ва жаҳиятнинг ўрни каби масалалар юзасидан фикр алмашди.



Бунча гўзал кўринар олам, Шукҳудидир, кунлар нафаси. Болажонлар нигоҳларидан Кўринад келажак фасли. Тўлқин КАРИМОВ сурат-лавахаси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Аниқ фанлар ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуг ватандошимиз, қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг халқимиз маънавий-маданий ҳаётидаги ўрнини, аллома таваллудининг 1200 йиллиги ЮНЕСКОнинг 1998 йилдаги тadbирлари режасига киритилганлигини ҳисобга олиб ҳақда унинг меросини авайлаб-асраш ва авлодларга тўла етказишга кенг йўл очиб мақсадиди Вазирлар Маҳкамаси Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлиги, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва илмий-ижодий зиёлиларнинг Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини 1998 йилда ЮНЕСКО иштирокида кенг миқёсда нишонлаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда тadbирлар ишлаб чиқсин ва уни амалга оширишга киришсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси, Фарғона вилояти ҳокимлиги биргаликда 1998 йилнинг октябрий ойида «Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни» мавзусида халқаро конференция ва тантанали байрам тadbирларини тайёрлашнинг зарур шартларини таъминлаш ва ўтказишлар.

3. Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан Фарғона вилоятида қуриладиган ва таъмирланадиган иншоотлар рўйхати тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Фан ва техника давлат қўмитаси Аҳмад ал-Фарғонийнинг хорижий давлатлардаги кутубхоналарда ва фуқароларда сақланаётган меросини аниқлаш ва тўплаш учун 1997 йилдан бошлаб махсус археографик экспедициялар ташкил қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ўқув юрталари эга бўлган вазирликлар ва идоралар 1997-1998 йилларда ўз тасарруфларидаги барча турдаги таълим муассасаларида Аҳмад ал-Фарғоний ўқувларини таш-

кил этсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Давлат матбуот қўмитаси 1997-1999 йилларда Аҳмад ал-Фарғоний асарлари ва унинг ҳаёти ва ижодига оид нашрларни ўзбек, араб, рус, инглиз ва француз тилларида чоп этишни таъминлашлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелевидео» компанияси, Бадий академия, «Ўзбекино» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекино» гастроль-концерт бирлашмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси ўз йўналишлари бўйича Аҳмад ал-Фарғоний меросининг моҳиятини ва бугунги кундаги аҳамиятини очиб берувчи энг яхши илмий, адабий-бадий, тасвирий санъат, телевидеокино, публицистика, мусиқа асарлари учун халқаро танловлар эълон қилинлар.

8. «Ўзбекино» давлат-акциядорлик компанияси 1998 йилда Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида 2 қисмли ҳужжатли, илмий-оммабоп, публицистик фильм яратиши ва унинг хорижий тилларга дубляж қилинишини режалаштирсин.

9. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги «Ўзбек аллоmaları» туркумида почта маркалари ва конвертлар чиқаришни мунтазам йўлга қўйсин ва унинг биринчиси Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишласин.

10. Оммавий ахборот воситалари Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва илмий фаолиятининг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини, юбилейга тайёргарликнинг боришини кенг ёритсинлар.

ЎЗБЕКISTON-AҚШ: ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАН

Бош вазир Ў. Султонов бошчилигидаги мамлакатимиз делегациясининг Америка Қўшма Штатларига ташрифи чоғида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар, иккала давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг янада фаоллашуви-га имкон беради.

Аввал хабар қилинганидек, Нью-Йоркда бўлиб ўтган Ўзбекистоннинг сармоя киритиш имкониятлари тақдироти, Америка ишбилармонлари доирасида катта қизиқиш уйғотди. Кўпчилик бизнесменлар Ўзбекистоннинг мунтазам тақомиллаштириб бораётган қўнунчилик тизими хорижий сармоядорларнинг муваффақиятли фаолияти учун барча шароитларни яратиб бераётганини мамнуният билан таъкидладилар. Уларнинг фикрича, яқин вақтлар ичида қишлоқ хўжалиги сектори, машина-созлик, минерал ресурсларни қайта ишлаш ва бошқа шубҳа соҳаларга Америка сармояси оқиб келиши кутилмоқда.

Вашингтонда давлат департаментиди АҚШ давлат котибининг биринчи муовини С. Тэлбот билан музокаралар бўлиб ўтди. Ўзбекистон делегацияси АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулода ва Мухтор элчиси Ж. Преселнинг лавозимига киришиш маросимига иштирок этди. Ж. Пресел булажак иш ҳақида гапирди, — Ўзбекистон беқарор минтақадаги барқарор давлатдир. Мен муносабатларимизни янада юқори поғонага кўтариш учун қўлдан келган барча ишчи қиламан, — деб таъкидлади.

АҚШ энергетика вазири Ф. Пенья билан икки томонлама муносабат масалалари бўйича муҳим ва фойдали фикр алмушар бўлиб ўтди.

Савдо вазирлигида Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайтиришга қизиқиш билдирган Американинг ийрик компаниялари вакиллари билан учрашув бўлди.

Делегациянинг Ўзбекистон ассоциация, банк ва компаниялари раҳбарлари намоёндаларидан иборат гуруҳ Американинг ийрик саноат маркази — Чикаго шаҳрида бўлиб, мамлакатимизнинг сармоя киритиш имкониятлари тақдиротида иштирок этдилар.

«Чейз Манхеттен банк» билан бўлиб ўтган музокаралар натижаси ўлароқ, ўзаро фаолиятни кенгайтириш тўғрисидаги битим имзоланди. «Сити-банк» АҚШ экспорт - импорт банки билан биргаликда болалар озиқ-овқати ишлаб чиқариш бўйича ускуналар сотиб олиш учун 51,4 миллион долларлик кредит ажратди. Федерал захира банки ўзбек молия ходимларини АҚШда қайта тайёрлашга ҳозир эканлиги тасдиқланди. Энг ийрик «Кейс» корпорацияси эса «Умид» жағмарасига 100милг АҚШ доллари миқдоринда грант ажратди.

Б. МАМАЖОНОВ, «Жаҳон» АА махсус мухбири, Вашингтон.

8 ДЕКАБРЬ — КОНСТИТУЦИЯ КУНИ ЮТУҚЛАРИМИЗ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жаҳият қурилиши академиясида мамлакатимиз Асосий Қонуни қабул қилинганлигининг беш йиллигига бағишланган «Республика Конституцияси — ютуқларимиз гарови» мавзусида давра суҳбати бўлди.

Унда таниқли ҳуқуқшунос ва сиёсатчи олимлар, амалиёт ходимлари ва академия профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари иштирок этди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, Академия ректори А. Азизхўжаев очди.

Президент левонининг Қонунилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари И. Назаров, Республика Конституциявий судининг раиси Б. Эшонов, Олий суд раисининг ўринбосари Х. Усмонов, Бош прокурор ўринбосари Б. Пулатов, Тошкент давлат юридик институтини кафедра муdiri А. Тулаганов, Академия тингловчилари Н. Вафоқулова, Ш. Умарова ва бошқалар анжуманда сўзга чиқиб, Конституцияимизнинг сиёсий-ижтимоий ва ҳуқуқий аҳамияти ҳақида гапир-

дилар. Ҳужжатда халқ ҳокимиятичилиги, Конституция ва қўнуннинг устуниги, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, шунингдек, ижтимоий муносабатлар аниқ белгилаб қўйилган. Унда халқимизнинг бой тарихи, миллий маданияти ва қадриятлари ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган бундан давр мобайнида мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларда жуда катта ўзгаришлар ўз берди. Инсон ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон давлатининг мустақам ҳуқуқий асоси яратилди. Конституцияимиз жаҳиятда тинчлик ва оқошталликни, барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

11. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва «Ўзтелевидео» компанияси Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан амалга оширилаётган ишларни тарғиб-ташвиқ қилиш, хорижий оммавий ахборот воситаларини зарур маълумотлар билан таъминлаш чора-тadbирларини кўрсинлар.

12. Белгилаб қўйилсинки, юбилей тadbирларини тайёрлаш ва ўтказиш, шунингдек, юбилей иншоотларини қуриш ва таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан тенг улушларда қоплансин.

Юбилей тadbирларини ўтказишга қорхоналар ва ташкилотлар, жағмараларнинг, шунингдек, хорижий ҳомийларнинг ўз улушларини қўйиш ҳақидаги таклифистаклари қўллаб-қувватлансин ва уларга нисбатан қўнунларда белгиланган солиққа оид тегишли имтиёзлар жорий қилинсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Журабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1997 йил 27 ноябрь.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

26 ноябрь кун Олий Мажлис Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Анвар Йўлдошев бошқарди.

Йиғилишда «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш раёти» бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг раиси Анвар Йўлдошевнинг раётига қўмитанинг раиси Анвар Йўлдошевнинг раётига қўмитанинг раиси Анвар Йўлдошевнинг раётига...

вилоятда кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондлари тarmoқларини ташкил этиш ва кенгайтириш юзасидан кенг қўллаш ишлари олиб бориладими. Барча туман ва шаҳарларда республика кўчмас мулк биржаси, «Тошкент» фонд биржаси, тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси, «Вақт» миллий депозитарийсининг бўлимлари ташкил этилган.

фирмаларнинг катта имкониятларини фойдаланилмаётган. Қўмитанинг 6-моддасидаги кичик ва хусусий тадбиркорлик масалалари юзасидан норматив ҳужжатларни маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилишни таъминлашга доир қисмини ижро этиш этарли даражада эмас.

сий тадбиркорликни ривожлантириш ишида банклар ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш махсус фондларининг ўрни унчалик сезилмайд.

ҚОНУН ИЖРОСИ ҚАНДАЙ?

виденеси шу йилнинг 9 июнида «Мулоҳаза» курсатувини ташкил этди, унда Самарқанд тадбиркорларининг илгор тажрибаси ёритилди.

Қўмитанинг 9-моддаси талабларига асосланиб, вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ишларини қўллаб-қувватлаш мақсади билан 1996-1997 йиллар учун махсус тадбирларни тасдиқлади.

Маҳаллий ижроия органлари ходимлари ва тадбиркорлар иштирокида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги норматив ҳужжатларни ўрганиш юзасидан ўқув ҳамда семинар-кеңашлар ўтказилганлиги Қўмита муҳими омил бўлди.

миллий ёрдам қўрсатишга жиддий эътибор берилади. Масалан, 1996 йилда турли объектларни хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан 100 миллион сўмни шу мақсадлар учун ажратиб қўйишга тўғривари.

Кичик ва хусусий корхоналарда илгор технологияларни жорий этиш мақсадида урта бизнес-инкубатор, урта хусусийлаштириш инвестиция фонди, халқаро бизнес мактаби ташкил этилди.

Қишлоқ жойларида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устуворлиги тўғрисидаги талаб қўнун ҳужжатига энг муҳим қондалардан бири ҳисобланади. Ана шундан келиб чиқиб вилоятда 4 мингдан зиёд лeқхон-фермер ҳужжатига ва 362 мингдан ортиқ шахсий ёрдами ҳужжатига ташкил этилган.

булмаслиги тўғрисидаги талаблар вилоятда асосан bajarилмади. Вилоят ҳўжалик суди 1995 йилда тадбиркорларнинг 11 та давло аризасини қўриб қўлиб, ташкилотлар шартнома шартларини бузганлиги учун 900 минг сўмдан зиёд маблағни тадбиркорлар фойдасига ундириб берди.

Самарқанд вилоятининг тадбиркорлари муайян иншоотлари ижарага ёки сотиб олиш ҳўқуқидан биринчи навбатда фойдаланадилар, маҳаллий ижроия органлари уларга ў ёки бу ишлаб чиқариш-технология ахборотини олишда қўмақлашади.

Шу ўринда қўрсатилган тадбиркорлар ўтказишга жалб этиш йўли билан қўллаб қорхоналар ташкил этишда қўллаб-қувватланаётганини таъкидламоқ лoзим. Утган йили вилоятда кичик ва хусусий қорхоналар иштирокида 48 та йрмакча ўтказилг режалаштирилган эди, амалда 213 та ана шундай йрмакча ўтказилиб, 1 миллиард сўмдан зиёд товарлар сотилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун шароит яратиш масалалари етарлича эълон бермаслик уларнинг фаолиятини тугатишига олиб келади.

Илгор ишчиликнинг асосий қондаларини билмайдилар. Йиғилишда қўрсатиб ўтилган камчиликларни тезда бартараф этиш чораларини қўриш зарурлигига эътибор қаратилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Йиғилиш сўнггида қўмита фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

ДЕМОКРАТИЯ ВА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ

Бухорода бўлиб ўтган семинар мустақил мамлакатимиз сўд тизимининг демократик асосларга ўтиши, ҳўқуқий давлатни мустақамлашда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти масалаларига бағишланди.

Семинар ишида вилоят, шаҳар, туман ҳўқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари, турли оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этди.

Семинарда «Ҳўқуқий тарбия — демократик ўзгаришларни қўриқлашнинг муҳим омил», «Уюшган жиноятчилик ва гьёхандлик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳўқуқий таҳлили», «Уюшган жиноятчилик ва гьёхандликка оид ишларни судда қўриб чиқиш тажрибаси» каби ва бошқа мавзуларда мавзулар тингланди ҳамда муҳокама қилинди.

Фўқароларнинг ҳўқуқлари ва эркиндикларини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, аҳолини ҳўқуқий тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни масалалари юзасидан кенг мунозара бўлди.

Илҳом САФАР, Ўза мухбири.



«Учқўргон» очик турдаги ҳиссдорлик жамияти жамоаси табиий ўсимликлардан тайёрланган шифобахи чой ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Ҳиссдорлик жамияти бугунги кунда ойига 20 минг қўти шифобахи маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Ил охиригача бу ерда 100 минг қўти чой қадоқлиниб, истеъмолчиларга етказиб берилиши кўзда тутилган.

СУРАТЛАРДА: қадоқловчи Дилбар Жўраева иш устида; янги ишлаб чиқарилаётган шифобахи чой намуналари.



Ш. ОЛИМОВ (Ўза) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ

ЕРИМИЗГА КОИНОТДАН НИГОХ

Тошкент Давлат техника университетидан Франция — Ўзбекистон илмий ҳамкорлигининг Ўзига хос тизими — КОФУТИС илмий маркази иш бошлади.

— Яқинда ана шу илмий марказнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасига таъин қилинган элчихонаси раиси, олимлар, ер тўғрисидаги илмининг турли жаҳаларида тадқиқот ва изланиш олиб бораётган мутахассислар, Тошкент жамоатчилиги вакиллари тақдир этилди.

Шуни айтиш керакики, янги илмий марказнинг тижоратга дахли йўқ, у хар иккала мамлакатда ҳам расмий рўйхатдан ўтган. Марказ сўнуний йўлдошлар ёрдамида олдин суратларнинг таҳлил этиб, уларни геология, табиати муҳофаза этиш соҳасида, худудлар тузилишини яқшиллашга, қишлоқ ҳўжалигини тўғри режалаштиришга тадбиқ этиш, илмий-техник маълумотларни ўзаро алмаштириш, Франциянинг янги технологиясини Ўзбекистонга келтириш, фаннинг кўп соҳаларида маълумот тўплаш ва илмий изланиш олиб бориш, мутахассислар тайёрлашда қўмақлашиш мақсадини кўзайлади.

алоҳида аҳамиятга эга. Рақамли маълумот-суратларни таҳлил этишга асосланган географик ахборот тизими кенг соҳани, хусусан геологик картографияни, ер қатламларини тадқиқ этишни, қишлоқ ҳўжалиги ва атроф муҳитни, худудларнинг гидрологияси, кадастри ва уларни обodonлаштириш сингари жаҳалларни ҳам қамраб олади.

Мамлакат табиий захираларини геологик ва геофизик жиҳатдан тадқиқ этиш, ер ва яилвалар ҳамда сув балансининг ҳолати, экологик вазият — бу ва шунга ўхшаш бошқа барча маълумотлар КОФУТИС илмий марказининг ахборот жамғармасида сақланади. Бундай илмий марказ Франция пойтахтида Париж-VI университетининг лаборатория мудири, профессор Николаш Либерис бошчилигида иш бошлаганига ача бўлди.

Тақдимот маросимиде сўзга чиққанлар, хусусан Тошкент давлат техника университетини ректори, академик Т. Миромиллов бундай ҳамкорлик ҳўзининг ўзидеак самара бераётганлигини ва келгусида мутахассислар тайёрлашда ҳам, илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтиришда ҳам маддадор бўлишини таъкидлаб ўтидилар. Маросимда таъкидланганидек, марказга жамланадиган маълумотлар бутун Марказий Осиё давлатлари мутахассислари учун ҳам муҳим дастурий ҳўжат бўлиб қолади.

«ФАРФОНАДА БИЗНЕС ҚИЛИНГ»

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Фарғона вилоят ҳокимлиги ва Хорижий сармоялар бўйича республика агентлиги томонидан ташкил этилган минтақавий семинар-кеңаш ана шу шнор остида ўтди.

Унда дунёдаги 40 дан зиёд мамлакатларнинг элчихоналари, мамлакатимизда фаолият қўрсатаётган чет эл фирмалари ва компанияларининг вакиллари иштирок этганлигининг ўзинек бу анжуманга қизиқиш катта бўлганлигини қўрсатади.

Семинар-кеңашнинг вилоят ҳокими Нўрмонжон Муминов бошқарди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎЗБЕК-РОССИЯ-ТУРК ҚўШМА ҚОРХОНАСИ «ANA FOOD MACHINERY»

Тел/факс: (3712) 34 19 72; тел.: (3712) 35 38 57.

ХУРМАТЛИ ЖАНОБЛАР!

Диктатингизга 11 сентябрь 1996 йилда 2359 реестр рақамли, 550 000 АҚШ доллари сармоя фонди билан қайд қилинган ва Таши иқтисодий алоқалар вазирлигида 1996 йил 25 октябрда СП-М/291 рақами билан қайд қилинган Ўзбек-Россия-Турк «ANA FOOD MACHINERY» қўшма қорхонасини тақдим қиламиз.

- Қўнига 32 дан 160 тоннагача бугдой ишлаб чиқариш кўчига эга бўлган компакт тегирмон комплексларини келтириш; Қўнига бугдой ишлаб чиқариш кўчи 1000 тоннагача бўлган қўп қаватли тегирмон комплексларини келтириш; Ишлаётган тегирмонларнинг тўла ёки қисман эскирган ускуналарини замонавий юкори технологияли ускуналарга алмаштириш учун реконструкция ишлари; Қадоқлаш ускуналари ва макарон заводларини келтириш; Ҳамма ускуналар монтаж ишлари, ишчиларни ўргатиш, 12 ойга ҳафолат бериш каби имкониятлар билан келтирилади.

Ўзаро мулоқот, тажриба алмаштиш руҳида ўтган йиғилишда фарғоналик тадбиркорлар ва чет эллик сармоядорлар ўзаро ҳамкорликда тенг шерикчилик асосида иш юритиш ҳақида келишиб олдилар.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИОНЕРЛИК — ТИЖОРАТ «ПАХТА-БАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-Банк» акциядорларнинг набатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказди.

- Йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилади: 1. «Пахта-Банк»нинг IV-чиқарув янги акциялари эмиссияси тўғрисида. 2. Банк Аудиторини тасдиқлаш ҳақида. 3. Банк бюджетни Низомини тасдиқлаш тўғрисида. 4. «Пахта-Банк» Бошқаруви таркибига ўзгариштириш киритиш ҳақида. Йиғилиш 1997 йил 5 декабрь кун соат 11.00 да «Пахта-Банк»нинг мажлислар залида ўтказилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43 уй. Йиғилиш қатнашчилари 1997 йил 5 декабрь кун эрталаб соат 9.30 дан 10.45 гача «Пахта-Банк» биносида рўйхатта олинадилар. Қўшимча маълумот олиш учун телефон рақамлари: 77-91-66, 78-09-41, 78-10-94. «Пахта-Банк» Бошқаруви

БИЗНИНГ УСКУНАЛАРИМИЗ - ТИЖОРАТИНГИЗИНИНГ ЮТУГИДИ!

ФУТБОЛ

Хуллас, фикру шуурларимизни бутунлай забт этиб, юракларни орзиқтирган, кўнгилларни ошиқтирган олтинчи футбол мавсуми ҳам ўз манзилига етиб келди. Бундан буён барча командаларнинг кейинги чемпионат ва кубок баҳсларига жиддий тайёргарлиги бошланади.

...Хуш, тугалланган мамлакат олтинчи чемпионати илгарилардан нимаси билан фарқланади? Миллионлаб футбол ишқибозларининг хотирасида 1997 йил учрашувлари қандай таассурот қолдирди? Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, тугалланган мавсум ўзининг сермазмунлиги, серғоллиги билан ўтган йиллардагидан кескин фарқ қилди. Олий лигада 18 команда, биринчи лигада эса 22 команда кураш олиб борди. Тан олиш керак: МХСК Маъруфалиев, Камбаралиев, Ҳасанов, Абдуллаев сингари ўйинчилари билан йил бошидан буён мусобақа жадвалини бошқариб келди. Клуб жами 34 учрашувнинг 29 тасини галаба билан якунлаб, чемпионликка эришди.

Иккинчи ўринни банд этиб турган «Нефтчи» эса мавсумнинг охирига келиб бироз эсанкираб қолди. Ўзбекистон терма командасининг келгувчи йили Францияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатидаги саралаш учрашувлари уларни толиқтирди шекли, ўз майдонидagi «Насаф»чилар билан дурашти (3:3), Жиззахда маҳаллий «Сугдиёна»дан мағлубиятга уч-

Араб Амирликлари терма командаси билан тенгма-тенг кураш олиб борди. Кўлга киритилган 22 очко, рақибларимиз дарвозасига киритилган 29 тўп командамиз финалга чиқолмаган бўлса-да, шунга яраша ўйин кўрсатанлигидан гувоҳлик беради.

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ
(25.11.97. Финал)

Бу йил мамлакатимиз кубоги мусобақалари ҳам бирмунча жонлироқ кечди. Айниқса, «Насаф», «Навбахор», «Дўстлик», «Нефтчи», «Пахтакор», «Бухоро», «Зарафшон» командаларининг баҳслари ишқибозларда катта таассурот қолдирди. Дарвозаларга бир-бирдан гузал тўплар киритилди. Ким ниматга қодир бўлса, ушани кўрсатди. «Навбахор», «Нефтчи», «Дўстлик», «Пахтакор» охиригача курашди.

Буни қарангки, қатор йиллардан буён ярим финалда «Навбахор» ва «Нефтчи» худди сунъий уюштирилгандек ўзаро учрашадилар. Бу томонда эса «Пахтакор» ва яна бир коман-

ОЛТИНЧИ МАВСУМНИНГ ОХИРГИ ТАПИ



раши (2:0), йил ўрталарида «Пахтакор»дан енгилиши (2:1) чемпионлик унвонидан маҳрум этди. Бахтга қарши улар Осиев кубок эгалари кубоги баҳсида ҳам муваффақиятли қатнаша олмадилар.

Мавсум давомида «Навбахор», «Пахтакор», «Дўстлик», «Насаф», «Сугдиёна», «Зарафшон», «Бухоро», «Сурхон» командалари ҳам ҳар галгидан кўра фаолроқ тўп сурдилар. Наманганликлар учинчи ўринни олган бўлсалар-да, профессионал даражасидаги ўйинчилари билан ўз ишқибозларини ҳамisha хушнуд этиб келди. Бироқ, уларнинг ҳам ўзига нисбатан кучсиз клублардан кетма-кет мағлубиятга учраши мавжуд имкониятларини, чемпионликка даъвогарлигини чеклаб қўйди. Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари биринчи бўлиб МХСК-чиларнинг голбоноа юришларини тўхтатди (2:1). Қувончлисига, Қаршиннинг «Насаф» командаси аъзоларининг иккинчи дарадаги салб ҳаракатлари мамлакатимиз футболчининг айниқса, жанубий воҳа командаларининг айнан кўтарилиш палласига кирганлигини исбот этди. Улар иккинчи дарада мамлакатнинг энг кучли командаси ҳисобланган «Нефтчи» билан бўлган Фарғонадаги учрашувда дуранга эришдилар. «Дўстлик»ни сафарда 2:1 натижа билан мағлуб эттишти.

Олтинчи мавсумда бир йўла тўрт команда — «Афросиёб», «Чилонзор», «Янгиер», «Атласчи» командалари олий лигани тарк этди. Булар иштирокидаги учрашувларда жуда йирик мағлубиятлар қайд этилди. Масалан, «Атласчи» «Дўстлик»дан 7:1, «Афросиёб» «Нефтчи»дан 8:0 натижалари билан енгилиди. Бу албатта маъмур командаларнинг чемпионатга етарли даражада тайёрланмаганидан, бош мураббийларнинг ўта тажрибасизлигидан, жойларда футболга нисбатан раҳбарларнинг совуққон ва лоқайд муносабатидан далолат беради. Биринчи лига командалари ўртасидаги 95 фойз учрашувларни фақат галабалар билан тутатган «Темирйўлчи» ва «Металлург» олий лигадан тушиб кетган клубларнинг ўрнини эгаллади. «Пахтабод», «Зафар», «Дўстлик», «Норин», «Бўкалик», «Богол» футболчилари эса келгувчи йилдан бошлаб мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлидилар.

Математик ҳисоб-китобларга мурожаат қиладиган бўлсак, бу йил олий лига командалари ҳаммаси бўлиб 306 учрашув ўтказди. Дарвозаларга жами 1095 тўп киритилди. Тошкент шаҳри ва вилоятидан бешта, Фарғона вилоятидан бешта, қолган вилоятлардан эса ҳаммаси бўлиб саккизта команда иштирок этди.

Қуйидаги жадвалдан кўриниб турибдики, бу йилги мавсумни тошкентликлар ҳар галгидек юқори натижалар билан якунлашди. Агарда мамлакат кубоги баҳсларини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг мавқеи янада кўтарилади.

1997 йил футбол мавсумининг ўзига хос томонларидан яна бири шуки, мамлакатимиз терма командаси жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақалари синовидадан ўтди. Йигитларимиз дастлаб Рустам Мирсолиқов, сўнгра Юрий Саркисян ва охири бразилиялик Вега да Силва раҳбарлигида майдонга тушиб 14 учрашув ўтказди. Яман, Комбожа, Индонезия, Қозғистон футболчиларидан устун келди, Бирлашган

да ўйин кўрсатади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Ярим финалда тошкентликлар «Дўстлик»ни ютди, фарғоналиклар эса «Навбахор»ни мағлуб этиб, финалга чиқишди.

...1997 йил 25 ноябрь. Ҳаво совуқ бўлишига қарамастан «Пахтакор» марказий стадионга 15 мингга яқин томошабинлар таширф бўуришди. Финал учрашуви давомида шу нарсга маълум бўлдики, «Пахтакор» ҳам, «Нефтчи» ҳам кубокни кўлга киритиш учун жиддий тайёргарлик кўришганди. Биринчи бўлимнинг қаҳрамони бевосита «Нефтчи» аъзоси В. Князев бўлди. У ўттиз метрлар ҳамаси узоқликдан Павел Бутало кўриқлаётган дарвозани аниқ нишонга олди. Команда аъзолари биринчи муваффақиятдан руҳланиб, катта хурсандчилик билан мураббийларининг олдига югуриб келиши ва бир-бирларини оқишлай бошлади. Саркисян ҳам хурсандчилигидан шогирдларига пешвоз чиқди. Табриқлади шекли, майдон чизигига яқинроқ келди. Худди шу пайт учрашув ҳақами Сардор Нажафалиев Юрий Саркисянга қизил карточка кўрсатиб майдондан қириб юборди. Ишқибозлар нима бўлганлигини тушунолмастан елка қисиб қолишди.

Шундай қилиб, 1997 йилги мавсум тугади. МХСК чемпиони бўлди, «Пахтакор» кубокни кўлга киритди. Гапнинг сирасини айтадиган бўлсак, футболчиларимиз мавсум давомида ўзининг ниматга қодирлигини тўла намоеён этдилар.

Нормурод МУСОМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

	ЯКУНИЙ ЖАДВАЛ					О
	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	
МХСК	34	29	3	2	109-42	90
«Нефтчи»	34	26	3	5	105-42	81
«Навбахор»	34	21	5	8	84-37	68
«Дўстлик»	34	19	5	10	87-56	62
«Пахтакор»	34	18	7	9	65-36	61
«Насаф»	34	15	8	11	68-57	53
«Бухоро»	34	16	5	13	57-55	53
«Сугдиёна»	34	15	7	12	51-46	52
«Зарафшон»	34	13	5	16	56-61	44
«Хоразм»	34	13	3	18	58-77	42
«Сурхон»	34	11	7	16	39-60	40
«Андижон»	34	11	6	17	54-62	39
«Трактор»	34	10	8	16	52-65	38
«Косонсой»	34	11	3	20	40-72	36
«Афросиёб»	34	8	8	18	35-73	32
«Чилонзор»	34	8	6	20	51-70	30
«Янгиер»	34	7	7	20	47-72	28
«Атласчи»	34	6	2	26	37-112	20

(Ўзбекистон Республикаси олтинчи миллий чемпионатининг моҳир тўпурари «Дўстлик» жамоасининг ҳужумчиси Жафар Ирисметов бўлди.)



ASIAN DEVELOPMENT BANK

The **ASIAN DEVELOPMENT BANK (ADB)** is an international development finance institution established in 1966 to foster economic and social development in the Asian-Pacific region. The Bank, based in Manila, Philippines, comprises 56 member countries from Western Europe, North America and the Asia-Pacific region, including Kazakhstan, Kirghiz Republic and Uzbekistan. It has an international workforce of about 2,000 employees including more than 660 highly qualified professionals.

Staff Positions.

The Bank offers challenging opportunities to highly qualified and experienced professionals who seek employment on a career or fixed term basis. Applicants from member countries are being sought for a range of current and anticipated staff positions, including **Economists, Project Engineers, Financial Analysts, Environment Specialists, Procurement and Consulting Specialists, Social Development Specialist, Investment Officers (Private and Public Sector), Financial Economists, Pension Reform Specialists and Capital Market Specialists.**

General Requirements: Candidates should preferably have a Master's degree or its equivalent, at least five years of relevant experience and familiarity with the developing countries in Asia. They must be nationals of the Bank's member countries and proficient in written and spoken English. Excellent analytical and interpersonal skills as well as the ability to draft reports and undertake negotiations are essential. The possession of multidisciplinary skills such as economics/sociology or economics/environment would be advantageous.

Young Professionals

Also, the Bank seeks a small number of exceptionally well-qualified candidates below 30 years of age for its **YOUNG PROFESSIONALS PROGRAM.** This is a two-year on-the-job development program that prepares younger staff for a career in the Bank. Applicants must hold at least a Master's degree or its equivalent in economics, finance, business administration, engineering or other fields related to the work of the Bank; and relevant work experience is a must.

WOMEN ARE ACTIVELY ENCOURAGED TO APPLY.

The Bank offers a competitive salary paid in US Dollars (normally free of tax) and an excellent benefits package tailored to the needs of people living outside their home countries.

Interested people are invited to send their curriculum vitae (in English), including present salary and details of education and working experience, to the following address not later than 28 December 1997:

**Human Resources Division
ASIAN DEVELOPMENT BANK
P.O. Box 789, 0980
Manila, Philippines**

**Facsimile Numbers: (63-2) 636-2444 or (63-2) 636-2550
Internet Address: http://www.asiandevbank.org**

Please indicate on both letter and envelope: **Reference Number: 97-152.**

«СУВЖИҲОЗГАЗ»
Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси

Тошкентдаги омборидан
3009 навали, хуштаъм

ХИТОЙ КҮК ЧОЙИНИ

арзон ва улгуржи нархларда сотали.
Тўлов шакли турии хил.

Мурожаат учун манзили:
Ҳамза тумани, «ЭЛБЕК-26»
(«Чкалов» метроси яқинида,
9 қаватдан унинг 1-қаватига жойлашган)

Тел.: 96-26-21, 96-06-87.

«ПЛО» ФИРМАСИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

КИЧИК НОВВОЙХОНАЛАР
(4 ХИЛДАГИ)

САУНА УЧУН УСКУНАЛАР,

САНОАТ **ЭЛЕКТРОПЛИТАЛАРИ,**

ГРИЛЬ, ХОТ-ДОГ
УЧУН МОСЛАМАЛАР.

Тел.: (3712) 79-14-29, 79-38-54.
«С. Раҳимов» метро бекати.

masi СЛМ PAL
8 mm VIDEO CAMERA RECORDER

Видеокамераси VP-K85

16 карра оптик катталаштирувчи ва рангли видеоизловчи 8 мм.ли видеокамера.

- Такомиллаштирилган юқори сифатли рангли видеоизловчи.
- 16 карра оптик катталаштириш.
- HI-FI Stereo товуш.
- Ёруглики қучайтириш учун ичига қўйилган лампа.
- 5 режимли автоэкспозиция.
- Махсус рақамли безаклар (электрон ва сунъий ёруглик филтрининг вазифаси).
- Титларнинг ичига жойлашган генератор.
- Катталиги таширф карточкасидек келадиган масофадан бошқариш пулти.

Фирма дўконлари

ТОУ Ко. Лтд.	Тошкент	Амир Темур кўчаси, 110	(3712) 34-02-58
			35-09-86
Кафолат Файз	Тошкент	Эскижўва кўчаси, "Чорсу" бозори	(3712) 42-29-89
Кафолат Файз	Тошкент	Қодирий кўчаси 1, "Турон" меҳмон.	(3712) 41-46-38
Отахон	Фарғона	Ал-Фарғоний кўчаси, 20	(3732) 24-78-76
Наврўз	Андижон	Мустақиллик кўчаси, 14	(37422) 43-8-60

Technology that works for life

SAMSUNG ELECTRONICS

Шартнома асосида етказиб бериш масаласи бўйича мурожаат этиш:
«Самсунг Электроникс Ко.» Азияни офиси:
Алматы, Орбита-3, 52" А" ун.
Тел.: (372) 20-85-36, 20-39-47, 20-63-05.
Факс: 20-12-38.

ТАШКИЛОТ

Лак-бўёқ маҳсулотларини энг арзон нархларда сотади.

1. Цинкли оқ бўёқ	1 кг. 130 сўм.
2. Ёғли кўк бўёқ	1 кг 125 сўм.
3. Ёғли пол бўёғи	1 кг 120 сўм.
4. Шифт учун қизил-жигаранг бўёқ	1 кг 120 сўм.
5. Оқ эмаль	1 кг 200 сўм.
6. Пол эмали	1 кг 190 сўм.
7. Кўк эмаль	1 кг 190 сўм.
8. Олифа	1 кг 110 сўм.

Улгуржи харидорлар учун нархлар 5% арзонлаштирилган.

Тел./факс (8-3712) 79-85-13, 79-82-12

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Хушх ва қонуқчилик 136-07-94;
Иқтисодий 136-36-65;
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Халқаро 136-29-89, 133-07-48;
Қишлоқ ҳужакиниси 136-37-85;
Фан, турғам, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳайат 132-11-15;
Котиббат 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Ғ — 0247, 33.805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қотоз бичими А—2
Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

С.МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — О. Раҳимов.
Мусоҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» напширёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти—21.00 Босишга тоширилди — 22.00

1 2 3 4 5 6